

### Талаба номига муносиб бўл!

Сессия пайти барча талабалар уяси тўзган чуқури сингари гимирлаб қолишди. Лекин бир нарса барибир кишини ажаблантиради: дарсга ўз вақтида катнаб, топшириқларни бажарганлардан кўра, уларнинг акси бўлган талабаларнинг бамайлихотир юришларини кўрасиз.

2-бет

### Исломия

Қамашилик санамлар ҳар қандай «шахзода»ни ҳам писанд қилавермайди. Кўнглидаги «Алпомиш»и ҳузурдагина сўлим, латиф хонимга айланади. Исломия ҳам шуларнинг бири эди.

4-бет

### Жазо

У полда ётган қоғозни олиб яна бир карра кўз югуртирди: «Аброр сувга чўкиб кетди. Жасадни тополмадик. Таъзиямизни қабул қилинг. Дўстлари».

9-бет

### Бизда ҳам Каспаров бор

Ўзбекистон ўзининг салоҳияти юксак, зехни ўткир фарзандларининг кўплиги билан фахрланса бўлади. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган фикри теранлик, ақл ва идрок қудрати миллатимизни янада машҳур қилишига шубҳа йўқ.

10-бет



## ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 3 феврал, шанба № 16 (2273)

# ИШОНЧ

### Кадрлар ўқуви



ки, ўрганган билим ва тажрибаларни амалиётда қўлласак, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Машгулотлар режасидан жой олган «Ишонч» газетаси тахри-

## ТАЖРИБА ВА АМАЛИЁТ

## ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИ ГАРОВИ

Меҳнат кишиларининг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилишни фаолиятнинг асоси деб билган касаба уюшма ходими нечоғлик билимли бўлса, тажрибасини бойитиб борса мақсадга эришиши ҳам шунчалик осон кечади. Ўқув машгулотларидан мақсад шу.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмалари Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган машгулотга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тармоқ кенгашлари раис ўринбосарлари, ташкилий, маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудирлари ҳамда йўриқчилари таклиф қилинди. Қатнашчилар касаба уюшмаларида ишни режалаштириш, ҳужжатлар билан ишлаш, кадрларни танлаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш, аъзолик афзалликларини асослаш, касаба уюшма бюджети

сметаларини тузиш, маблағ ва мулкларни шакллантириш каби вазифаларни амалга ошириш юзасидан муайян маълумотга эга бўлишди. Иш жараёнида асосий кўмакчи саналган техника воситалари билан ишлаш юзасидан билимларини бойитдилар.

Бундан ташқари, «Ижтимоий шерикчилик», «Болалар меҳнати соҳасидаги Халқаро Меҳнат Ташкилотининг миллий устуворликлари», «Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг Конституциявий кафолатлари» каби мавзудаги қатор маърузаларни тингладилар.

Агросаноат мажмуи ходимлари Тошкент шаҳар кенгаши фаолияти билан яқиндан танишдилар.

— Бу ерда олиб борилаётган ишлар ўрнат олишга арзийди, дейди Андижон вилоят агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшма етакчи мутахассиси Шарифа Эргашева. — Ҳайлайман-

рияти вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам қатнашчиларда алоҳида қизиқиш уйғотди. Газетхон фикри газета нуфузини белгилайди. Ушбу нашрга бефарқ эмаслиги қатнашчиларнинг билдирган фикр-мулоҳазаларидан яққол сезилди. Навоий вилоят АСМ ходимлари ташкилий ишлар бўлими мудирини Адолат Хайитова, Қашқадарё вилоят АСМ ходимлари касаба уюшмаси раис ўринбосари Сирожиддин Раҳимов ва бошқалар ўз мулоҳазаларини баён этиш билан бирга, газетанинг янада ранг-баранг ва қизикарли бўлиши учун таклифларини ҳам билдирдилар.

Машгулотлар якунида қатнашчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўқув марказининг гувоҳномаси топширилди.

**Хидоят Жўраева,**  
«Ишонч» мухбири,  
**Икром ҲАСАНОВ** олган суратлар

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## Янгилаш ва демократик ислохотлар теранлик касб этмоқда

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ мамлакатимиз Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, у бу ҳуқуқни қонун лойиҳаларини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширади. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддаси, 93-моддаси 15-банди, 102-моддаси иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳалари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кун тартибига шу тарзда киритилди. Президент мазкур Қонун лойиҳаларини киритиш билан бирга уларга шарҳ ҳам тақдим этди. Қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, уларнинг қабул қилинишидан қўйлаётган натижалар давлат бошқарувини янгилаш, уни янада демократлаштириш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг тутган ўрнини кучайтириш, бу билан энг аввало аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий онгини ошириш, давлат бошқарувини амалга оширишда уларнинг хоҳиш-иродасини янада кенгрок рўёбга чиқариш эканлиги тўлиқ очиб берилди. Мазкур Қонун лойиҳаларини амалга ошириш эҳтиёжи ва асосий омиллари ҳақида Президент Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишида сўзлаган нутқда алоҳида тўхталди.

Биринчидан, юртимизда олиб борилаётган ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш йўлидан изчил бориб, уларни янги босқичга кўтариш;

Иккинчидан, мустақиллик даврида сиёсий партиялар нуфузининг ошганлигини ҳисобга олган ҳолда уларни ҳаётимизда ҳал қилувчи кучга айлантириш;

Учинчидан, ҳозирги кунда халқимизнинг сиёсий етуқлиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганлигини инобатга олиб, сиёсат олиб бориш кераклиги алоҳида ўқитилди.

Дарҳақиқат, босқичма-босқич ўтказилаётган ҳар бир ислохот, энг аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини янада ошириш, ҳуқуқий демократик жамият қуришга йўналтирилган. Бу юксак мақсадларга эришиш омилларидан бири, албатта, сиёсий партияларга кенг қўламда ижтимоий-сиёсий фаолият юритишлари учун шароит яратиш беришдир. Мамлакатда сиёсий партиялар шаклланиши, уларнинг самарали фаолият юритиши учун тўлиқ имкониятлар очиб берилмоқда. Ўнг аввало улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари қабул қилинди. Шунингдек, кўп партиявийлик тамойилларига асосланган, замонавий андозаларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Сиёсий партиялар сезиларли даражада тажриба орттирдилар. Уларнинг кенг қўламдаги демократик ўзгаришлардаги иштироки тобора ортиб бормоқда. Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари сиёсий кураш олиб бориш тажрибасини тобора ўзлаштириш баробарида ўз фаолиятларини кундан кунга жонлантирмоқдалар. Бу ўз-ўзидан сиёсий партиялар нуфузини ошириш билан бирга қабул қилинаётган қонун ҳужжатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Партия фракцияси, муҳолифат ташуначлари очиб берилган. Янгидан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли, дастури ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши назарда тутилмоқда. Сиёсий партиялар фракциялар гуруҳига бирлашиши, уларнинг мустақиллигини чекламаслиги, ўзини муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракциясига қўшимча ҳуқуқ берилиши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шу муносабат билан айрим қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

**Довуд МАДИЕВ,**  
«Ишонч»нинг Парламентдаги мухбири

Марказий банк ахбороти	1 Австралия доллари 960,96	1 БАА дирхами 338,32	1 Хитой юани 159,77	1 ЕВРО 1603,96	1 Турк лираси 867,37
	1 Англия фунт стерлинги 2433,95	1 АКШ доллари 1242,51	1 Кувайт динари 4298,15	1 Россия рубли 46,79	1 Япон иени 102,05

# Хабарлар

## ҲАР БИР ЎҚУВЧИГА 70 МИНГ СЎМЛИК СПОРТ АНЖОМЛАРИ

Халқ таълими вазири ҳузуридаги Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоятидаги 14 та туман ва Термиз шаҳридаги умумтаълим мактабларида таълим олаётган ота-онасиз ва кам таъминланган оилалар фарзандларининг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Кун кеча ана шундай оилаларнинг 2456 нафар фарзандларига 17,2 миллион сўмлик спорт кийим-кечаклари тарқатила бошланди. Хусусан, Ангор, Узун, Олтинсой, Денов, Сарносий ҳамда Шеробод туманларидаги 15 ёшгача бўлган умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг ҳар бирига 70 минг сўмлик спорт анжомлари тарқатилди.

Рустам ДАВЛАТ,  
«Ишонч» мухбири

## Хонадон сигирли бўлди

Сардоба туманидаги Узоқов номли ДФХУ худудида яшовчи Қурбоновлар оиласига яқинда Халқ банкнинг туман бўлими томонидан қорамол харид қилиш учун кредит ажратилди. Оила аъзолари кредит эвазига бир неча бош қорамол сотиб олдилар.

— Сигирларимиз серсут чиқиб қолди, — дейди хонадон бекаси Тожиҳол Қурбонова. — Фарзандларимнинг қувончини айтмайсизми? Энг муҳими, дастурхонимиздан сут, қатик, қаймоқ аримай қолди.

Туманда кўплаб кам таъминланган оилалар қорамолга эга бўлди. Мамлакатимиз Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон-фермер хўжаликларига чорвачиликни ривожлантириш тўғрисида»ги қарори шарофати туфайли улар ана шундай қулайликка эга бўлмоқдалар.

## Ишсизлик барҳам топмоқда

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш тармоқларининг тобора кенгаётганлиги, тадбиркорлик ва ишбилармонликнинг ривожланиши сабаб ишчи кучига талаб ортмоқда. Янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка барҳам беришда барча ташкилотлар фаол қатнашмоқда.

«Болалар» жамғармаси Сирдарё вилояти бўлими ЮНИСЕФ халқаро Болалар жамғармаси билан ҳамкорликда йирик лойиҳага асос солди. Унга асосан вилоятнинг Сайхунобод туманида ўқув ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Цех бугунги кунда 4 та йўналишда иш олиб бормоқда. Цех ишга туширилгач, 22 нафар хотин-қизлар иш ўринларига эга бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмол бозорига ўз ўрнини топмоқда.

Анорбой НОРҚУЛОВ,  
журналист

## Семинар машғулоти

Сирғали туман ҳокимиятининг кичик мажлислар залида Яққасарой ва Сирғали туман савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшма аъзоларининг ўқув-семинар машғулоти бўлиб ўтди.

Семинарни Яққасарой тумани вакиллиги вакили М. Ходжаева қисқача кириш сўзи билан очди. Сўнг Тошкент шаҳар тармоқ касба уюшмасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи К. Хасманов кун тартибидеги масалалар бўйича маъруза қилди. Семинарда жамоа шартномалари сифатини яхшилаш, уларнинг бажарилиши ўстидан томонларнинг масъулиятини ошириш, ижтимоий ҳимоя йили давлат дастурини амалга оширишда фаол иштирок этиш, иш ҳақидан қарздорликни тугатиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий, маънавий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва Вазирлар Маҳкамасининг 18 декабр 2006 йилдаги 532-қарорини амалга тадбиқ қилишга қаратилган қонунлар тўғрисида тўхтаб ўтилди.

Семинар иштирокчилари меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ўз саволларига тўла жавоб олдилар.

Шўбира ШАМСИЕВА,  
Сирғали туман савдо, матлубот кооперацияси  
ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшма вакиллиги  
вакили.

## Бугуннинг нафаси

Ўтган ҳафта охирида пойтахтдаги Халқаро бизнес марказида мамлакат молия элитаси тўпланди. Бу ерда 2006 йилда «Вестерн Юнион» тизимида дунёнинг истаган нуктасига зудлик билан пул кўчириш бўйича энг яхши натижаларга эришган банкларни аънавий мукофотлаш маросими бўлиб ўтди.

«Top Country Teams 2006» («Top Teams») «Мамлакатнинг энг яхши гуруҳи» дастурида иштирок этиш ва голиб бўлиш банк учун катта ютуқ. Шундай бўлгач, мижозлар сони кўпаяди, шунга яраша даромад ҳам бўлади.

## Пулни қаерга сарфлашни билишади

Конкурсда «Вестерн Юнион» тизими бўйича халқаро пул кўчиришга хизмат қилувчи Ўзбекистоннинг 12 тижорат банки вакили ҳисобланмиш 50 шохобча иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистон Миллий банки, «Асака», «Кредит-Стандарт», «Ипотекабанк», «Капитал Банк» ва бошқа йирик молия муассасалари бор. «Вестерн Юнион» компаниясининг пул кўчириш шохобчаларига асосий талаби нимадан иборат? Тезлик, оддийлик, мижозга ҳурмат, ғамхўрлик, қулайлик, ишончлилик ва хавфсизлик.

Энг яхшилари қандай танлаб олинди? Жуда оддий. Ҳар бир банкка оддий киши сифатида мустақил аудиторлар боради ва мижозларга хизмат кўрсатиш соҳасидаги камчиликларни аниқлайди. Бундай «яширин киришлар» пул кўчириш шохобчаларининг иш сифатини оширишда катта аҳамият касб этади. Ҳозирги шароитда қайси банк бирор ходимининг касб маҳорати етишмаслигидан қўз юмади?

Яна бир ижобий аънава намоён бўлди. «Top Teams» дастурининг олти номинациясидан (тўрт асосий ва икки қўшимча) тўрттаси вилоят марказларида (Самарқанд, Фарғона) фаолият кўрсатадиган банк филиалларига «кетди». Эслатамиз,

2005 йилда шундай мукофотни Чирчиқдаги банкирлар олган эдилар. Бу Тошкентдан ташқарида ҳам одамларга муносиб хизмат кўрсатилаётганидан далолатдир. Пойтахтда эса «Пул кўчиришни амалга оширган энг яхши шохобча» номинацияси бўйича «Капитал Банк»ка тегишли шохобча голиб деб топилди. Миллий Банк бош офисининг «Вестерн Юнион» тизимида халқаро пул кўчириш хизматини ривожлантириш учун ўз агентлик тармоқларида жавобгар бўлган ходимларининг қобилияти намоён бўлди. Бундан ташқари, МДХ ва Шарқий Европа мамлакатлари бўйича «Вестерн Юнион» халқаро пул кўчирувчи 10 та энг яхши шохобчалари ўртасида «Капитал Банк» тизимида кирувчи «Юнусобод» мини банки ҳам бор. Маросимда мукофотлар топширилгандан сўнг таниқли қизиқчи Хожибой Тожибоевнинг мавзуга доир латифалари барчага хуш кайфият бағишлади.

Жорий йилда ҳам конкурс давом этади ва унда 15 та банк иштирок этади. Мукофотлар қиймати ошмоқда. Банклар энг яхши бўлиш учун ўзаро беллашадилар. Оддий иштирокчилар ҳам бундан фақат фойда кўради, холос.

Д. МАДИЕВ

## Яхшидир аччиқ ҳақиқат

Сессия пайти барча талабалар уяси тўзгиган чуқур сингари гимирлаб қолишади. Лекин бир нарсани барибир кишини ажаблантиради: дарсга ўз вақтида катнаб, топшириқларни бажарганлардан кўра, уларнинг акси бўлган талабаларнинг бамайлихотир юришларини кўрасиз.

## ТАЛАБА НОМИГА МУНОСИБ БЎЛ!

Яна бир гап. Баъзилар ўйлайдики, бу пайтда талабалар учун азобли кунлар бошланади-ю, домлалар маза қилишади. Йўқ, бу фикр нотўғри. Домлалар ҳам сессиянинг осон ўтишини, талабаларнинг қийналишини исташмайди. Афсуски, айрим талабалар ўзи ўқимагани етмаганидек, домланинг асабини эговлайди. Бундайлар ҳатто сессия пайтида ҳам қўлига китоб олишмайди. Йўқ билимларини «бор» қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Ўзлари бу ёлғонга ишонишганидек, устозини ҳам тўрға туширишга уринишади. Ахир озгина ҳаракат қилса, ўз устларига ишлашса, берилган вазифаларни бажаришса, осмон узилиб ерга тушмасди-ку!

Уларнинг ўзларига қолса, ўқиб дунёни олиб берармидим, дейишади.

Рейтинг дафтрасини кўтариб домлани қадам босишга қўймасдан, илтимосу бир олам ваъдалар билан

баҳо олишга, кейин иложи бўлса ўша домлага қайта кўринмасликка ҳаракат қиладилар. Агар бу пайтда домла ўқув масканида йўқ бўлса, уйининг манзили, телефон рақами ўз ўзидан топилиб қолади. «Бечора» устозлар! Сизларга ўз уйингизда ҳам тинчлик йўқ. Қанийди мана шу «талаба»ларингиз томонидан айтилаётган ширин сўзларни доим эшитсангиз. Дарвоқе, йил давомида «дарс қолдирмаган» талабаларингизни шу пайтда «учратмасангиз» яна қачон бу «бахт»га мушарраф бўласиз?

Хуллас, талаба бўлишдан олдин шу номга лойиқ бўлишни ўйлаш керак. Бунинг ҳеч қийин жойи йўқ. Фақат вақтни бой бермай мутулаа қилинса кифоя. Зеро, илм даргоҳига қелишдан мақсад ҳам маърифатли бўлмоқликдир.

Иродахон ЖҲРАЕВА

## Тўйхат

## АБРОР ИШАНХОДЖАЕВ 70 ЁШДА

Аброр Ишанходжаев 1937 йилнинг 4 февралда ишчи оиласида туғилди. У меҳнат фаолиятини 1956 йилда Ҳамза номидаги театрда электрик, овоз техниги сифатида бошлади. Сўнгра Вазирлар Кенгаши қошидаги радиоэшиттиришлар ва телевидение давлат қўмитасида овоз оператори лавозимида ишлаб, Ўзбекистон радиосининг олтин фондида сақланаётган бир неча асарларнинг муаллифларидан бири бўлиб элга танилди.

1958 йилда Тошкент Давлат Университетининг шарқшунослик факультетида таҳсил олиш билан бирга, Ўзбекистон китоб савдоси бирлашмасида библиограф, Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалида катта референт вазифасида ишлаб бой ҳаётий тажрибага эга бўлди.

Аброр ака 50 йилдан зиёд халқ хизматида. Айниқса, Ўзбекистон касба уюшмалари кенгашининг котиби, Тошкент шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси кенгашининг раҳбари сифатида инсонлар манфаатини ҳимоялашда, уларни ҳамда фарзандларини соғломлаштиришда кўрсатган хизмати бекиёсдир.

Аброр ака ажойиб хислатлар соҳиби. У ҳар бир инсонни ҳурмат қилади, унга ҳамдард бўлади. Ёшларга устозлик қилиб, уларни ҳам устоз даражасига олиб чиқади. Самимий ҳамда ўта камтарин бўлгани учун барча касба уюшмаси фаоллари у кишини отахон деб бошга кўтаришади.

Аброр аканинг ўғил-қизлари, невалари, айниқса, Ирода аямизнинг, шунингдек, беҳисоб шогирдларининг у кишига бўлган чексиз меҳрини кўриб, қувонасан киши. Қалби кенг устозга соғлиқ, хотиржамлик тилаб, муборак 70 ёши билан муборакбод этамиз.

Бир гуруҳ ҳамкасблари  
ва шогирдлари

## Орамиздаги одамлар

## Элда азииз

«Дарё сувини баҳор тоширар, инсон кадрини меҳнат оширар» деган нақлни ҳар гал эшитганимизда кўз ўнгимизда Чори ака Шодиевнинг доимо табассум билан боқиб турадиган чехраси намоён бўлади. Дарҳақиқат, «Меҳнат қилган элда азииз», деганларидек, Чори аканинг умр бўйи ҳалол ва сидқидилдан қилаётган хизматлари унга обрў-эътибор, ҳурмат ва иззат-икром олиб келмоқда.



Ўзининг илк меҳнат фаолиятини Термиз темир йўл бекатига қарашли корхонада бошлаган ёш йигитнинг гайрат-шижоати бошқача эди. Ҳам ишлаб, ҳам кечки мактабда таълим олган Чори ота-онасининг оқ фотиҳасини олиб, Тошкентга Республика рус тили ва адабиёти институтига ўқишга отланди. Оилавий шароити туфайли институтдаги ўқишини ўт ўчириш корхонасидаги меҳнат фаолияти билан бирга давом эттирди.

(Давоми 4-бетда)

# Хатлар — хаёт ойнаси

Газета ва газетхон

## Эътибор

Ёшларга ҳунар ўргатиб, касб-корга йўналтириш ишлари ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат-эътиборида. Бу борада Андижон туманида олиб борилаётган саъй-ҳаракатларнинг кўлами кенг бўлаяпти.

## Ўқиб, ҳунар ўрганишяпти

Етти йил аввал ана шу мақсадда тежалган маблағ ҳисобидан ЮНИСЕФ ташкилоти ҳамкорлигида «Болалар-2000» ишлаб чиқариш корхонасига асос солинган. Ҳамжиҳатликдаги дастурнинг ўтган даврдаги самараси чакки эмас. Айни пайтда мазкур корхонада вилоятнинг барча туманларидан ногирон, қарамоғида ҳеч кими йўқ ва кам таъминланган болалардан 140 нафари жалб этилган.

Ёшларнинг бу ерда илм олишлари ва ҳунар ўрганишлари учун етарлича шароитлар яратилган. Шартнома асосида турли ўқув муассасалари ва ташкилотлардан мутахассислар чақирилиб, амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Муҳими, ана шу жойда ёшлар кўлида сайқал топаётган бир неча турдаги рўзгорбоп маҳсулотлар сифатлилиги ва бежиримлиги билан аҳолига манзур бўлмоқда.

Жасурбек НУРБОЕВ

## Инфратузилма

## Қишлоқдаги Мўъжаз Корхона

Машарип Кувоқов номли фермерлар бирлашмаси Боготдаги аҳоли зич яшайдиган ҳудудлардан бири. Қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш дастури бўйича ана шу ерда олти йил аввал Швеция технологияси асосида мева-сабзавотни қайта ишлашга ихтисослаштирилган консерва заводи қурилиб, ишга туширилганди.

Дехқончиликдан бўшаб қолган ишчи кучини sanoatга йўналтириш ҳисобига корхона фаолияти йилдан-йилга ривож топмоқда. Айни пайтда бу ерда суткасига 4800 литрдан ортиқ турли хилдаги истеъмолбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир. Бу — ўз-

ўзини иқтисодий таъминлаш билан бирга, тармоқни янада кенгайтиришга ҳамда янги ишчи ўринлари яратишга омил бўлаяпти.

Жамоа маҳсулот сифатини яхшилаш ва иш самарадорлигини ошириш қаторида ҳудуддаги кам таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофазалаш ҳамда ободонлаштиришга ҳам бош-қош. Ўтган даврда ана шундай оилаларнинг 9 тасига ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Ён-атрофдаги 3 та маҳаллага ичимлик суви етказиб берилди ва кўчаларига асфалт ётқизилди.

Болтабой ЭРНАФАСОВ,  
Хоразм вилояти

## Ижтимоий ҳимоя

Яккабоғ шаҳридаги «Саховат уйи»да 157 нафар қария, меҳнат ва иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, ногиронлар яшайди. Уларнинг саломатлигини сақлашда шифокор Норбиби Пирбобоева раҳбарлигидаги Гулсара Каримова, Озода Рўзи-

наси, Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда Жийда маҳалла фуқаролар йиғинидагиларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

«Саховат уйи» раҳбари Нўъмонжон Курбоннинг таъкидлашича, тадбиркор ҳомийларнинг саъй-ҳаракати би-

ришланмоқда. «Саховат уйи»дагиларнинг вақти мазмунли ўтишига алоҳида эътибор билан қаралади. Жумладан, дам олиш хонаси, кутубхона улар хизматида. Шунингдек, туман ва вилоят миқёсидаги тарихий жойларга саёҳатлар ҳам уюштирилмоқ-

## Яккабоғнинг жаннат уйи

ева, Ойсулув Жўраева, Нилуфар Фафорова-лардан иборат мутахассислар доимо ғамхўрлик кўрсатиб келишмоқда.

Физиотерапия хоналари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ердаги шарт-шароитларни яхшилашда туман дон маҳсулотлари корхо-

лан спорт иншооти мажмуаси, ҳаммом ва дам олиш хонаси қурилиб, фойдаланишга топширилибди.

Айни пайтда ана шу масканда ҳомий ташкилотлар каттагина боғ барпо этиб беришган. Кейинги уч йил мобайнида 200 тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчат ўтқазилиб парва-

да. Ҳа, бу ерда инсон қадр-қиммати ана шундай эъзозланмоқда. Қарияларни қадрлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш учун барча имкониятлар мавжуд. Ҳомий ташкилотлар эса улардан меҳр-саховатини аямаётти.

Хайрулла ТўРАЕВ,  
меҳнат фахрийси

## Бандлик дастури

## ҲАМКОРЛИКНИНГ АФЗАЛЛИГИ

«Кўқоннон» ишлаб чиқариш масъулияти чекланган жамиятида ижтимоий масалаларга ҳамиша катта эътибор билан қаралади. Бу — буюрма ва талаб-эҳтиёжларни жадаллаштириш қаторида, сифат ҳамда салмоқнинг яхшиланишига ҳам таъсир этаяпти.

Ўтган даврда корхона салкам 4400 тонна нон, 2000 тонна макарон ва 600 тонна қандолат маҳсулотларини аҳоли дастурхонига етказиб берди. Ишлар сифатининг ортишида замонавий ускуналар, айниқса, асқотмоқда. Шунинг ҳисобига қандолатчилик цехида 25 та ҳамда аҳоли зич жойлашган маҳаллаларда ташкил қилинган

дўконларда фаолият юритиш учун 20 та иш ўрни яратилди.

Корхона касаба уюшмаси раиси С. Дадажонованинг таъкидлашича, 460 нафарлик жамоага барча шароитлар яратилган. Маъмурият билан ўзаро келишувларнинг тўғри йўлга қўйилгани ишловчиларни муҳофазалашга ва мавжуд цехларни кенгайтиришга имкон берапти. Ўтган йил даромади ҳисобидан яна 40 нафар кишининг иш билан банд бўлиши режалаштирилган. Бунинг учун имконият ва маблағ етарли. Энг муҳими, жамоада иштиёқ бор.

Навбахор РАШИДОВА,  
Фаргона вилояти

## Чироқчи МТП

акционерлик жамиятида 950 дан ортиқ фермерлар билан шартнома тузилиб, баҳорги экиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилмақда.

Мавжуд техника воситаларини тайёрлашда таъмирловчи Парда Холиқулов барчага ўрнатилмоқда.

Таъмирлаш ишларида 100 дан ортиқ таъмирловчилар иштирок этмоқда.

Суратда: Парда Холиқулов.

Шавкат СУЛТОНОВ  
олган сурат.



## Саховат

## Ташаббус

«Бектемиров» фермер хўжалиги жамоаси ишлаб чиқариш ва соҳада ислохотларни жадаллаштиришда Норин туманидаги энг илғорлар сирасидан. Даромад ҳисобидан ҳар йили ижтимоий масалаларни ривожлантириш ва тасарруфдаги кам таъминланган оилаларни моддий қўллаш каби ишлар меҳнат аҳлининг режасидан кенг ўрин олган.

Ижтимоий ҳимоя йилида мазкур фермер хўжалиги раиси Тўхтасин Бектемиров ташаббус билан чиқди: «Оқ олтин» фермерлар тасарруфидаги қишлоқларда яшовчи қарамоғида ҳеч кими йўқ, болалиқдан ногирон кишилардан 10 нафари-

ни ўз ҳисобидан соғломлаштиришга аҳамият қаратди. Шунингдек, 15 нафар кам таъминланган хонадонларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улашиб, улар фарзандлари ёзги оромгоҳларда дам олдириладиган бўлди.

Туманда саховатпеша ҳомийлар сони кўпаяётгани янада кубонарли. Шу кунгача улар саъй-ҳаракати билан 18 нафар нуронийнинг соғлиги тикланди, 50 дан ортиқ эътиборга муҳтож хонадонларга моддий ёрдам кўрсатилди.

Равшанбек  
МИРЗАОЛИМОВ,  
Наманган вилояти

## Жавоб

## «Маошимизни қачон олашимиз?»

«Ишонч» 2006 йил, 19 декабр

Чироқчи тумани «Кўқдала» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро Саид Оролов ва бошқаларнинг шикоят-аризалари асосида «Ишонч» газетасида чоп этилган «Маошимизни қачон олашимиз» сарлавҳали танқидий мақола Қашқадарё вилоятидаги малакали мутахассислар томонидан ўрганилиб чиқилди.

Натижаларга кўра, ҳақиқатан ҳам фуқаро С. Оролов

шу кунгача мазкур ширкат хўжалигида механизатор бўлиб ишлаб келмоқда. 2006 йил 1 январ ҳолатига кўра ширкат хўжалигининг ундан жами иш ҳақи қарзи 286473 сўмни ташкил этган.

Хўжалик маъмурияти томонидан унга ўтган даврда бажарилган иш ҳисобига 1 (бир) бош кўй ва 94116 сўм иш ҳақи берилган бўлиб, 2007 йил 1 январ ҳолатида фуқаро С. Ороловдан 207700

сўм, бошқа аъзолардан эса 432522 сўм иш ҳақлари қарзи мавжуд.

Вилоят ҳокимлиги томонидан хўжалик раҳбариятига ишчиларнинг иш ҳақларини қисқа муддатларда тўлаб бериш вазифаси юклатилди.

А. УСМОНОВ,  
Қашқадарё вилоят ҳокимининг ўринбосари

## Излаган имкон топар

Собик Қодиркул Султонов номли ширкат хўжалиги негизидаги ташландиқ ҳолига келиб қолган сутни қайта ишлаш корхонаси яна қаддини тиклашни кўпчилик ҳаёлига ҳам

кўплаб туманларидан ҳам чорвачиликка ихтисослашган фермерлардан сут маҳсулотлари қабул қилиб олинапти.

Асосий эътибор сут ва сут маҳсулотлари турини

дастлаб 16 нафар киши билан иш бошлаганди. Тадбиркорликнинг қарор топганлиги боис, 120 нафар кишига ишчи ўринлари яратилди. Меҳнат аҳли ижтимоий ҳимояга олинган. Тушлиқда иссиқ овқат корхона ҳисобидан

## Сайхундан чиқаётган маҳсулотлар

келтирмаганди. Бироқ Италия билан ҳамкорлик қилиниб, янги технологиялар жорий этилгандан сўнг, ишлар юришиб кетди. Эндиликда фақат Сайхунбоддаги фермерлар эмас, балки вилоятнинг

кўпайтиришга қаратилмоқда. Тасарруфдаги боғча ва мактабларга ана шундай тансиқ маҳсулотлар етказиб бериш қаторида 15 хилдаги музқаймоқлар ҳам ишлаб чиқарилапти.

Муҳими, корхона аҳли

берилапти. Қисқаси, Сайхун ёрлиги билан чиқаётган сифатли маҳсулотларнинг бозори чаққон, унга тобора талаб ортмоқда.

Абдимўмин ОЛИМОВ,  
Сирдарё вилояти

# Элда азиз

(Давоми. Боши 2-бетда)

Талабалик йиллари ҳам ортда қолди. Ёш мутахассисни Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрига ишга юборишди. Термиз темир йўл бекатида ишлаган кезлари унинг учун энг қизгин ва эсда қоладиган дамлар бўлди.

Чори Шодиев қаерда, қайси вазифада ишламасин ўзининг ширин сўзи, одамларга меҳрибонлиги ва ташкилотчилиги

ташкил этиш қобилиятига эгаллиги каби фазилатларини намоён этиб келмоқда. Ишчанлик, сезгирлик ва ҳушёрлик, талабчанлик, одамлар эҳтиёжига диққат-этибор ва хайрихоҳлик билан қараш, топширилган иш учун масъулиятни чуқур ҳис этиш фазилатлари ҳамisha унга обрў келтирмоқда.

Чори Шодиев Ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси



билан ҳурмат-этибор қозонди. Одамлар қорига ярашни ўзининг муқаддас бурчи деб билган Чори Шодиевнинг ташкилотчилиги қобилияти «Совавто-Термиз» халқаро юк ташиш автотранспорт корхонаси раҳбари ўринбосари, муҳандис-режа иқтисодиёт бўлими бошлиғи вазибаларида ишлаган кезларида янада намоён бўлди.

Чори Шодиевнинг касба уюшма ташкилотларида ишлаган, шаҳар Кенгашига депутат бўлган кезлари-чи?! Аввалига юқорида айтиб ўтилган корхонада касба уюшмасига раислик қилди. Кейинчалик уни Сурхондарё вилоят касба уюшмаси кенгашига ишга таклиф қилдилар.

Бу ерда кенгаш раисининг ёрдамчиси, сўнгра вилоят тадбиркорлар касба уюшмаси кенгашининг раиси лавозимларида сидқидилдан меҳнат қилди. Ташкилотчилик қобилияти билан эл оғзига тушди. Ана шу йилларда Тошкент автомобил йўллари институтини сиртдан битириб, кўш диплом эгаси бўлди.

— Тадбиркорлик, ишбилармонлик халқимизга азалдан хос бўлган ажойиб фазилат, — дейди Чори Шодиев. — Республикамиз мустақилликка эришганидан кейин тадбиркорликка кенг йўл очилди. Мухтарам Президентимизнинг тадбиркорларга кўрсатаётган бекиёс ғамхўрликлари туфайли халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида оламшумул натижаларга эришилаётганлиги ҳар биримизнинг қалбларимизда ифтихор туйғуларини уйғотади. Янада яхшироқ, самаралироқ меҳнат қилишга чорлайди.

Дарҳақиқат, Чори Шодиев мана шундай дил сўзларини ҳар доим амалий ишлар билан мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилишни ўзининг виждоний бурчи деб билади. Бунинг ўзбекистон савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий Кенгаши раиси лавозимда ўн йилдан ортик муддат мобайнида фаолият кўрсатиб келаётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Чори Шодиев ўз меҳнат фаолияти давомида доимо ташаббускорлиги, кенг билим ва тафаккурга, ҳар қандай ишни самарали

ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий Кенгашининг раиси бўлиб ишлаётган айни кезларда ўзининг бутун диққат-этиборини мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотларнинг қўлимига қаратиб, мулкдорлар орасида изчиллик билан иш олиб бориш, жорий Ижтимоий ҳимоя йилида вилоятлар ва туманларда меҳнатқашларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришда алоҳида фаоллик кўрсатиб, маҳаллий тармоқ касба уюшма ташкилотларига амалий ёрдам бермоқда.

Шуни ҳам айтиш керакки, ўтган йиллар мобайнида касба уюшмаси аъзолари сон жиҳатдан ўсиб, унинг таркиби муттасил такомиллашиб бормоқда.

Биз Чори Шодиевнинг одамлар хизматида камарбаста бўлиб ҳурмат ва эътибор қозонаётганлигининг сирини билиш мақсадида у киши билан суҳбатлашдик.

— Ота-она дуосини олишда ҳикмат кўп экан, — дейди Чори Шодиев. — Камина ҳам раҳматли Шоди отамларнинг, раҳматли Жўрагул онамларнинг дуоларини олганман. Асло кам бўлмадим. Меҳнатда, ҳаётда нимагаки эришган бўлсам, буларнинг ҳаммаси сидқидилдан қилинган саъй-ҳаракатларимдандир. Бинобарин, эл ҳурматини қозонишдан, одамлар қорига ярашдан ҳам ортик бахт бўлмаса керак!

Ҳа, дарҳақиқат шундай. Чори ака Шодиев ҳам ўз бахтини ҳалол меҳнатдан топиб келаётган фидойи инсонлардан биридир.

— Шундай инсон билан ҳаётимни боғлаганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди Чори аканинг рафиқаси Жумагулхон опа. — Ўттиз йиллик бирга турмушимиз пайтида бир-биримизни доимо тушуниб яшадик, бир-биримизни авайлаб, ардоқладик, бир ўғил, икки қизни оқил фарзандлар қилиб тарбияладик. Ширин невараларимизни айтмайсизми! Ахир бундан ҳам ортик бахт борми дунёда?!

**Солиҳ ЁКУБОВ**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими  
**Шукур ДАДАШ,**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси

## «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

**Камашининг қизлари Барчинойдек келбатли, шижоатли ва ғайратли бўлади. Уларнинг кўлидан келмайдиган иш йўқ. Баъзилар бундай аёлларни «эркакшода» дейишади. Бўлмаган гап. Камашилик санамлар ҳар қандай «шаҳзода»ни ҳам писанд қилавермайди. Кўнглидаги «Алломиш»и ҳузурдагина сўлим, латиф хонимга айланади. Исломия ҳам шуларнинг бири эди.**

**Руслан Муродовни севди. Ундан бошқасини демасди. Бева қолганидан сўнг эса умрини икки фарзандининг камолига бағишлади. Ўзини ишга урди. Бири икки бўлишини, йўқдан бор қилишни ўйлади. Ўғил уйлантириб, қиз чиқарди. Орзу-хавас кўрди. Набиларни буй кўрсатганида, бахт сурурини туйди. Йиқилгани сўяди, ўқикнинг дилига малҳам бўлди. Пировардида кам бўлгани йўқ, элнинг суюкли қизига айланди. Дастурхонларнинг тўри уники...**

Олия опа билан мактабдошимиз. Биз ҳали бошланғич синфда гурпанглашиб юрганимизда, у оппоқина, сўксурдек бўйга етган қиз эди. Уни «оқ балиқ»қа ўхшатардим. Солла-ниб, хиромон юришлари негадир ҳавасимни келтирарди. Йилдирим вақт ўтиб, Олия опалар қушлардек турли томонга учирма қилишди. Жонажон мактабимизнинг сершовқин олами бизга қолди. Ўша пайтдаги таллай қиёфалар, таниш сиймолар

Олия опа ҳам кутқудан четда қолмади.

— У кунларни эслаш нақадар оғир, — дейди у. — Ғам-аламга тўла узун тунларда Яратганга ёлвориб, фарзандларимнинг бахтига мени омон сақлашини сўрардим. Шукрим, у қора кунлар ортда қолди. Бизга чоқ қазиганларнинг ўзи жазосини олди.

Ҳа, ўша кезлари опага осон бўлмаганди. Кейинги тадбиркорлик фаолияти давомида ҳам отилган тошлар оз эмас эди. Лекин насибаси бутун экан, «Светлана» хусусий корхонасини маҳорат билан бошқарди.

# Исломия

болаликнинг хотира кўзгусида муҳрланди. Ҳар биримизни ҳаёт ўз гирдобига тортиди. Бироқ дунё тор экан, буни қарангки, орадан қирқ йилдан ортироқ вақт ўтиб, Олия опа билан дийдор кўриши насиб этди.

Хизмат сафари билан борганимда, туман ҳоқими Рашид Мухаммадиев Олия Абдуллаева тўғрисида:

— Ажойиб инсон, тадбиркор, 400 гектарга яқин ери бор. Кўрсаткичлари жуда яхши, — деди. Сўнг эса: — Ҳаётининг ўзи бир китоб, — деб қўшиб қўйди. — Камашиликми? Эслолмаяпман.

— Кўрсангиз танийсиз, — кулимсиради ҳоким.

Минг эшитгандан, бир кўрган яхши-да. Ҳокимнинг топшириғига кўра, туман ижтимоий таъминот бўлими мудираси Саодат Ҳамидова Олия опа хонадонига бошлади.

Таниш дарвоза, бежиримгина уй дарҳол опани эсимга солди. Қувониб кетдим. Оппоқ, сўксурдек қиз кўз олдимда намоён бўлди. Қор гупиллаб ёғиб турарди. Файзли, шинамгина хонада, қаҳва устида суҳбатимиз кўр олди. Унинг мўъжазгина вужудида бунчалик теран қудрат борлигига ҳайрон қолдим...

Олия опанинг асли исми Исломия. Ислом динига эътиқодли онаси яхши ният билан қизалогини шундай деб атаганди. 1-синфга борганида ўқитувчиси тўлиқ талаффуз қилишга қийналди чоғи:

— Ке, сени «Олия» деб атайлик, — деб қолди.

Қизгина кўнди. Исломия шушу Олия бўлиб кетди. Мактабда аълочи эди. Институтда ҳам талабаларнинг олди бўлди. Ишда ўзини кўрсатди. Тиришқоқлиги ва истеъдоди туфайли обрў топиб, раҳбарлик курсисига ўтирди. Бироқ ҳаёт ҳар доим ҳам байрамлардан иборат эмас. Юртни Гдлян, Иванов сингари ёт унсулар босганида, кўплар қатори

қад ростлади. Қурилиш жадал суръатларда давом этаётганди, бироқ онаси сингари тадбиркор Людмиланинг ўзга юртларга сафари саъй-ҳаракатни бироз сусайтирди.

Қарши шаҳридаги хусусий корхона ишлаб турибди. Аммо Олия опанинг бутун фикр-зикрини янги гоғлар банд этганди. Пули бўлса бор. «Ер олсам-микин?..» кўнглидан ўтди унинг. Бу фикр ўзига жуда маъқул келди. Дилида алланечук қувонч туйди. Шундай қилиб тендерда қатнашди ва (ўша пайтда) Охунбобоев номли ва «Ғаллакор» ҳўжаликлари тасарруфидаги ерлардан 380 гектар ерни ютиб олди. Бор маблағини шу ишга сарфлади. Қиссадан ҳисса, «Олтинтепа — Исломия» фермер ҳўжалиги шу йўсинда юзага келди. Ўша йили омади чопди. Ҳўжалик аъзолари 150 тонна ғалла, 218 тонна пахта топширган бўлсалар, ўтган йилги марра унданда юксак бўлди. 218 тонна ғалла ўриб олинди. 280 тонна пахта топширилди. Пировардида мавсумда 150 нафар меҳнатқашнинг ҳам топиш-тутишига барака кирди.

Даромад ҳисобига К-701, МТЗ-300, «Қозғистон» ва бошқа техник воситалар сотиб олинди. Ўтган йил эса сув тақчиллиги сабаб қўзланган ҳосилни йиғиб-териб олишнинг ўзи

бўлмади. Бироқ миришкорлар асло бўш келаётгани йўқ. Кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилишаётир. 40 нафар ишчи доимий равишда ойлик маош олиб, рўзғорини тебратаётир. 2006 йилда ҳам даромад чакки бўлмади. Биринчи навбатда ҳўжалик жамоаси бундан баҳраманд бўлди. Олия опа ўз ҳўжалигида кичик МТП қуриш ниятида елиб-югуриб юрибди.

— Барча техника воситалари ўз жойида соз ва шай турса, дейман, — дейди у.

Ана шундай инсон бизнинг Олия опа. Айтгандай, туман марказида эски пахта титиш цехи ташкил этиб, 7 нафар кишини иш билан банд этди.

Даромаддан буромад деганларидек, саховатда ҳам беназир. Вилоятдаги «Меҳрибонлик» уйларида 500-600 минг сўмдан ёрдам бериб турибди. Туман марказий касалхонасининг жароҳлик бўлимига янги замонавий аппаратлар учун 1 миллион сўм, ногиронлар жамиятига 300 минг сўм ўтказди. Вилоят «Ўлмас ёдгорликлар» жамиятига мунтазам равишда меҳр-саховат кўрсатилаётир. Вилоят болалар спорти учун ҳам 1 миллион сўм сарфланди. Туман Қизил Ярим Ой жамияти учун ҳар йили 150 минг сўм берилади. Шунингдек, 15 нафар кексанинг Термизий муқаддас қадамжосига, яна шунча кишининг Бухоро шаҳрига саёҳати учун ҳам 200 минг сўм кўмак қилинди. Бундан ташқари, Исломия Абдуллаева шу кунларда «Лангарота» зиёратгоҳини таъмирлаш ишлари учун 500 минг сўм ҳада этди.

Саховат карвонининг бошланishi бу. Йил якунига қадар бундай эзгу ишлар давом этаверади. Олия опа сингари яратувчи, серғайрат инсонлар бор экан, юкимиз асло ерда қолмайди.

Шарофат ИСКАНДАР кизи,  
Кашқадарё

ISHONCH TV 5-11 феврал

Душанба 5

00.30 - 00.35 Хайрли тун, шаҳрим.



Хурматли телетомошибонлар! Профилактив муносабати билан душанба, 5 февраль кунини "UZBEKISTON" телерадиоканали юз кўрсатувлари билан соат 14.55 дан бошлайди.

- 14.55 Кўрсатувлар дастури. 15.00 "Тахлилнома". 15.45 "Ватанпарвар". "Болалар сайраси". 16.45 Эртақлар - яхшилик етаклар. 17.00 "Ахборот". 17.10 ТВ анонс. 17.15 Олтин мерос. 17.20 "Сиз кутан уршусе". 18.00 "Аёл ва жаҳил". 18.20 "Охшилар оғушида". 18.30 "Ошми", Телесериал. 19.00 "Аёло ўйини", Телелотерея. 19.15 "Молия ва банк хабарлари". 19.20 "Дунё иқлими". 19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар. 19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 ТВ анонс. 20.05 "ТВ шифокор". 20.10 "Оила ришталари", Телесериал премьераси. 20.50 "Дунё иқлими". 21.00 "Ахборот". 21.35 ТВ анонс. 21.40 "Янги охшилар". 22.00 "Икки тақдир", Телесериал премьераси (Ўзбекистон). 22.45 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш) 23.00 "Олам ва одам" дастури: "23, 5 даража бурчак остида". 23.25-23.40 Тунги наволар.

- 11.00 Жаҳон киноси: "Сехрланган Элла". 12.40 Ушмиқлар симфонияси. 13.00 Даар. 13.15, 16.15 Тафақкур нури. 13.20 "Навоий", Видеофильм. 14.00 ДаарА. 14.30 ЯНГИ ЮН. 15.30 "Фан ҳақида 10 даққа". 15.40 Ҳазил мулки. 16.00 Даар. 16.20 Интерфутбол. 17.50 Нафосат олами. 18.00 "Олтин тулпор дуоибоди", Телесериал. 18.30 Дилрабо. 18.45 ЦЕХ. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 ДАВР. 19.30 "Қиш сонатаси", Сериал. 20.10 ЦЕХ. 20.15 Наво-SMS. 20.30 Оғолик - даар талаби. 21.10 Эълонлар. 21.15 "Муҳаббат дардлари", Сериал. 22.00 ДАВР. 22.30 "Саломея", Сериал. 23.55 - 00.00 Тафақкур нури.



ПЕРВЫЙ

- 5.00 Телеканал "Доброе утро" 9.00 Новости 9.05 "Малахов+" 10.00 "Вечный зов", Многосерийный фильм 11.00 "Сестры по крови", Многосерийный фильм 12.00 Новости (с субтитрами) 12.15 "Понять. Простить" 12.40 "Лолита. Без комплексов" 13.30 "Детективы" 14.00 Другие новости 14.25 "Контрольная закупка" 15.00 Новости (с субтитрами) 15.15 Криминальная Россия. "Погружение в ад", 2-я серия 15.50 "Любовь как любовь", Многосерийный фильм 16.55 "Федеральный судья" 18.00 Вечерние новости (с субтитрами) 18.20 "Пять минут до метро", Многосерийный фильм 19.10 "Жди меня" 20.00 "Сестры по крови", Многосерийный фильм 21.00 Время 21.30 Лариса Удовиченко в ироническом детективе "Любительница частного сыска Даша Васильева" 22.30 Спецрасследование: "Мурат Насыров. Две

версии драмы" 23.30 Ночные новости 23.45 Теория невероятности. "Дети молнии" 0.35 "Гени и злодеи", Жюль Верн 1.05 Стив Маккуин в приключенческом фильме "Канонерка" 3.00 Время 3.30 Фильм "Канонерка", Продолжение




